O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 5 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 27 (7222)

Da'vat

Ўз болалигини унутган тарбиячи ёмон тарбиячидир.

Мари ЭБНЕР – ЭШЕНБАХ

Ibrat

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги "Бизнес мактаб"и қошида 600 ўринли касб-ҳунар коллежи ва 100 ўринли ётоқхона қурилиши бошлаб юборилди.

Иқтидорли муаллима Д. Акромованинг дарсларини кузатар экансиз, сиз ҳам гўё болалар билан бирга фан дунёсига саёҳат қилгандай бўласиз ва унинг ўзи эътироф этганидек, ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчининг болаларда ўқиш истагини пайдо қилишдек орзуси рўёбга чиқаётганлигига, шубҳа қилмайсиз.

2-бетдаги, "Фан дунёсига саёҳат" мақоласида шу ҳақида ўқийсиз.

АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ "ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ" РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХЧИЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

2000 йилнинг 30 мартида бўлиб ўтган академик Яҳё Ғуломов номидаги "Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи" Республика илмий семинари иштирокчилари, энг аввало, Ўзбекистонда тарих фани тараққиётида янги давр бошланганлигини алоҳида таъкидлайдилар. Ватанимиз тарихининг турли давр ва муаммолари муҳокама этилаётган семинар фаолияти бунинг яққол далилидир. Юртимиздаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқда, обидаларда халқимизнинг ўтмиши, унинг юксалиш ҳамда инқироз даврлари ҳақида бой тарихий манбалар сақланган бўлиб, уни умуминсоний тараққиётнинг ноёб намуналари сифатида баҳолаш мумкин.

Хоразм ва Самарқандда бўлиб ўтган илмий семинарларда қадимий давлатчилигимизнинг дастлабки шаклланиш даврлари билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинган бўлса, бугунги анжуманда қадимда ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги тарихи, унда Бухоронинг тутган ўрни ва аҳамияти масалаларидан токи, XX аср бошида жадидларнинг миллий демократик ҳаракати, миллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги уринишлари масалаларига доир маълумотлар ва янги илмий хулосаларгача муҳокама қилинди, фикр алмашилди.

Семинарнинг турли вилоятлардан келган 200 қатнашчиси тарихимизни ўрганишдаги муаммолар ва камчиликларга, тарих марказларида олиб борилаётган тадқиқотларга тўхталишди, ёш авлоднинг маънавий тарбиясида тарихий билимларнинг бебаҳо аҳамиятини қайд этишди. Семинарда Президент Ислом Каримовнинг "Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур..." деган кўрсатмалари тарихчиларга бу борада ниҳоятда катта масъулият юклаши эътироф этилди. Зеро, соғлом авлод тарбияси — соғлом руҳият, юксак маънавият ва чуқур билим тарбияси демакдир.

Семинар иштирокчилари Республика тарихчиларига мурожаат этиб, тарихчиларнинг янги, истеъдодли авлодини тарбиялаб етиштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга даъват этади:

1. Олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқувчилари орасида тарихий тадқиқотлар танловини ўтказиш (Уларнинг энг яхшилари "Ўзбекистон тарихи" журналида чоп этилади).

2. Ёш тарихчиларнинг кичик анжуманларини ўтказиш (Энг яхши маърузалар Яҳё Ғуломов номли семинарга тавсия этилади).

3. Тарихий билимларни кенг оммалаштириш мақсадида тарихга бағишланган газета ташкил қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти томонидан Республика тарих фанини ривожлантириш вазифалари ва тарихий тадқиқот услубияти муаммоларига доир "Ёш тадқиқотчининг энг яхши мақоласи" мавзусида танлов ташкил этиш.

Семинар ташкилотчилари Республика тарихчилари ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи муаммоларига доир фикр-мулоҳаза ҳамда илмий хулосаларни тезис, мақола, маъруза ва илмий асар шаклида ЎзРФА Тарих институтига тақдим этишларини сўрайди. Бу борадаги ишларни марказлашган ҳолда ташкил этиш, республикадаги мавжуд илмий салоҳиятни бирлаштириш мақсадида барча тарихчиларни зиммамиздаги вазифани биргаликда ҳал этишга, ҳамжиҳатлик билан қўлни-қўлга бериб ишлашга даъват этамиз.

Таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин. Тошкент, 700000, И.Мўминов кўчаси, 9, ЎзР ФА Тарих институти.

Rasmiy bo'lim

СИНОВ ЯҚИН

Умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш юзасидан айрим тавсиялар

Ҳар қандай жараён ўзининг пировард натижаси билан баҳоланади. Зеро, яна бир ўқув йилини якунлаш арафасида турибмиз.

Ушбу жараённинг самарали ҳамда ДТС талаблари даражасида якунланиши кўп жиҳатдан тайёрланган синов материалларининг савияси ва Давлат дастури ҳажми қамровида бўлишига боғлиқдир. Айни пайтда республика Таълим маркази соҳа мутахассислари томонидан битирув имтиҳонлари учун тавсиялар ва синов материаллари (имтиҳон саволлари, тест топшириқлари, иншо мавзулари, ёзма иш матнлари, амалий иш топшириқлари ва ҳ.к.) тайёрланди ва рисола ҳолида чоп этилди.

Халқ таълими вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида"ги 35-сонли (2000 йил 29 февраль) буйруғига мувофиқ 9-синфни битирувчилар она тили ва адабиётдан ёзма, математика, Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда), рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда)дан оғзаки имтиҳон топширадилар. Жисмоний тарбия бўйича назарий ва амалий синовдан ўтадилар.

11-синфни битирувчилар эса она тили ва адабиёт ҳамда математикадан ёзма, физика, кимё, хорижий тиллар (инглиз, француз, немис), ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактаблар)дан оғзаки имтиҳон топширадилар. Жисмоний тарбия бўйича синов назарий ва амалий тарзда ташкил этилади.

(Давоми 2-бетда)

ҚУРИЛИШНИ БОШЛАШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

Direktor minbari

Тарихга назар солсак, халқ бугун тилга олиб эслайдиган шахсларнинг ҳар бири миллат учун қайсидир маънода эзгу иш қилиб, элнинг бир кунига ярагининг шоҳиди бўламиз. Худди шу маънода давлатимизнинг истиқлолга эришган илк йиллариданоқ "Инсон ислоҳотларга эмас, ислоҳотлар инсон учун хизмат қилсин" деган Президентимизнинг шахсий ташаббуслари ва жон куйдиришлари билан қатор ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар йўлини тутганч бугунги кунда барчага маълум. Жумладан, таълим-тарбия соҳасида ҳам.

Асримиз бошларида "Мактаб масаласи — бош масала" деган Абдурауф Фитратнинг жадидона ғоялари, "мактаб — дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлисидир. Мактабнинг чин ва ҳақиқий маъносини билган миллатлар жонлари, моллари билан ҳиммат ва ғайратларини сарф этиб, миллатнинг тараққийи ривожига ижтиҳод қилурлар" деб даъват қилган маърифатпарвар зиёли Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг орзулари бугунги ҳар биримиз мактаб ва таълимда халқимизнинг миллатпарвар ўғлонлари томонидан амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ва буни ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаётган ҳар бир инсон инкор қила олмайди. Биз Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги С.Раҳимов номидаги17-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси,олий тоифали физика ўқитувчиси Норпўлат Қосимов билан айнан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Умуман, жараёндаги тўсиқлар қандай бартараф этилаяпти. Янги мактабни қуриш осон кечмагандир?

— Ҳамма замонда ҳам бир кичкина қурилишни бошлаш ва тугатиш учун қанча ташвиш, тайёргарлик қилинишига тўғри келган. Халқнинг бирор эҳтиёжига ярайдиган каттароқ бино яратишнинг оворагарчилигини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Барча мураббийлар сингари эндигина мактабга келган чоғларимданоқ, болаларимизга билим олиш учун барча шароит муҳайё, замонавий, миллий андозалар асосида қурилган мактаб биносида дарс беришни, аллома боболаримиз каби элга фойдаси тегадиган шогирдларга устозлик қилишни орзу қилардим. Бу ниятни амалга ошириш учун ҳаракат қали мактаб ёғоч тусинлар ёрдамида зўрга турган ҳолида, ҳали Навоий вилояти Бухоро вилояти таркибида бўлган, собиқ мустабид "иттифоқ"нинг маъмурий-буйруқбозлик тизими мавжуд бўлган 80-йиллар охирида бошланган эди. Уни қурилиш режасига киритишнинг, республика авария ҳолатидаги мактаблари рўйхатида эканлигини қайд этишнинг ўзига қанча ғоғур-ғоғурлар, асаббузарликлар талаб этилмади дейсиз? Ҳатто вилоятнинг ушша пайтдаги раҳбарларидан бири: "3-4 марта 15 суткаликда ётиб чиқсанг, халқим, мактабим, болаларим деб иккинчи марта ғоғурмайдиган бўласан" деб бир неча марта дўқ қилиб ҳам кўрган эди...

Ҳеч ким мақтанаяпти, демасину, лекин фахрланса арзийдиган ишлар амалга оширилди. Хуллас, қурилиши маблағ йўқлигидан 10 йилга чўзилган, қутлуғ 2000 йил бошида фойдаланишга топширилган Навбаҳорнинг "Ҳаштман" қишлоғимиздаги жаҳон андозаларига мос, замонавий 844 ўринли мактаб биносини Навоий жамоа қурилиш бошқармаси (раҳбари Ғ.Жўраев) бунёдкорлари сифатли қилиб қуриб бердилар. Қурилишнинг лойиҳа қиймати 150 миллион сўм атрофида бўлиб, унга Навоий капитал қурилиш бошқармаси 50 миллион сўм қўшимча маблағ ажратди. Мактабнинг ўқув жиҳозлари учун Навоий кон бошқармаси 50 миллион сўмлик маблағ сарфлади. Шартнома аосида ишлаган хоразмлик усталар 280 минг сўмлик ганчкорлик ишларини бажардилар. Рассомлар 200 минг сўмлик манзаралар ишлаб бердилар. Бу ишларнинг намуналари ҳар бир синфда ўз аксини топган.

— Сизни Қосимов пулни ундириш ва ишлатишни биладиган, ҳомийларни ийдиришга уста тадбиркор раҳбар деб таърифлашди. Шу гаплар ростми?

(Давоми 2-бетда)

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Таълим ислоҳотларини жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказилаётган семинар "Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бу борада Малайзия тажрибалари" мавзусига бағишланди.

"Устоз" Республика жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Малайзиядаги ИНТАН ўқув марказининг тўрт нафар экспертлари маърузалар қилишмоқда.

— Малайзия иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари, иқтисодни ривожлантиришнинг Малайзия модели, қимматбаҳо қоғозлар бозори, иқтисодиётдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш усуллари ўқув дастурларимиз асосини ташкил этади, – деди ИНТАН ўқув марказининг етакчи мутахассиси Чор Минг хоним. – Ўйлайманки, бундай анжуманлар юртингиз педагогларининг иқтисодий билимлар ҳақида чуқур маълумотга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда жамғарманинг грант совриндорларидан 15 нафари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва банк тизими мутахассислари иштирок этишмоқда. Икки босқичда ўтказиладиган мазкур анжуманнинг навбатдаги босқичи ёз фаслида Малайзияда ўтказилиши кўзда тутиляпти.

Saboq

Бундан буён давлат, тузум, жамият, мулк, ҳуқуқ, тарих, миллат, қадрият ва шу каби кўплаб масалалар бўйича эски тасаввурлар билан яшаб бўлмаслиги аён.

Хўш, тасаввурларимизнинг қай бирлари эски? Улардан қандай қутуламиз? Янги тушунча ва қарашларни шакллантириш учун нима қилиш керак? Сиёсий, иқтисодий, маънавий онгни ўзгартиришдан кўзланган бош мақсад нима?...

Бугун бу саволлар маъ-

МИЛЛИЙ ҒОЯ — КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

навият ва маърифат ходимларини, миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботчиларини, сиёсатчиларимизни ишлаш-изланишга, янги-янги йўл-йўриқ ва усуллар қидиришга ундаяпти.

Энг яхши йўл—бевосита ҳаёт ичига кириб бориш, одамлар билан юзма-юз туриб, миллий ғоя ва миллий мафкурамиз, унинг аҳамияти ва бугун учун зарурати хусусида сўзлашиш.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши шу мақсадда пешқадам зиёлилардан иборат жамоатчи тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этди. Бу гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бўйлаб муҳим ва долзарб маънавий-маърифий мавзуларда тўрт учрашув ва суҳбатлар ўтказади, маърузалар қилади.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг муовини, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими, исломшунос Зуҳриддин Хусниддинов, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Зуҳриддин Исомиддинов, "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси ижрочи директори, юридик фанлари номзоди Бобоқул Тошевлардан иборат гуруҳ Фарғона водийси вилоятларида "Миллий ғоя ва миллий мафкура — келажак йўли" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказиб қайтди.

Тарғиботчилар аввал "Онгни ўзгартириш - туб мақсад (Миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботи таъсирчанлигига эришиш йўлида)", "Ўйнаб гапирсанг ҳам — ўйлаб гапир (Миллий мафкура аҳамияти ва мафкурасизлик фожиаси)", "Ҳуқуқий онг равнақи маънавий баркамоллик белгиси сифатида" мавзуларида турли туманларда маъруза қилдилар. Кейин вилоят марказларидаги йирик залларда барча туманлардан келган вакиллар ҳузурида суҳбат қурдилар.

Одамлар мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий ғоя ва миллий мафкурани кучайтиришга, миллий ғоя ва миллий мафкура такомили эса сиёсатимизни янада мустаҳкамлашга омил бўлаётганини дилдан ҳис этдилар.

Аҳоли ҳузурида миллат ва халқ тақдири ҳақида, ўзгараётган тезкор замон билан ҳамқадам бўлиш аҳамияти ҳусусида сўзлашишнинг самарали таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Буни тадбирлардаги иштирокчилар фаоллиги, қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоблар ҳам тасдиқлаб турди.

Мурод ҲОШИМОВ
ЎзА.

ИНСТИТУТЛАР МАКТАБИ

Бутунжаҳон афкор оммасини ташвишлантираётган гиёҳвандлик, кашандалик, қўпорувчилик жамиятни издан чиқаради. Айниқса, биз номини "оқ ўлим" деб атайдиган гиёҳвандлик домига тушиш ҳар қандай шахснинг онгини, шуурини заҳарлайди, уни абгор қилади.

Пойтахтимиздаги 4 та олий ўқув юрти — алоқа ва электротехника, молия, юридик, педиатрия институтлари раҳбариятининг ўзаро келишувларига мувофиқ иш бошлаган бир йиллик мактаб жамоатчилигини ҳам ана шу муаммолар ташвишга солмоқда. Мактабнинг асосий мақсади янги асрда янги авлодни тарбиялаб вояга етказишга ҳисса қўшишдан иборат.

Алоқа ва электротехника институтида ана шу мактабнинг иккинчи машғулоти уюштирилди. Юнусобод туман ҳудудида жойлашган масъул идоралар — ҳокимият, хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш котибияти" ҳам ушбу машғулот кун тартибига ўз мавзуларини тақдим этишди.

2000 йилга "Соғлом авлод йили" деб шиор ташланишида ижобий ҳаракатларнинг барчаси ўз мазмун-моҳиятини топиб бориши керак. Демак, бутун саъй-ҳаракатлар ҳам шунга яраша бўлсин.

Тошкент шаҳар наркология диспансерининг Юнусобод тумани бўйича масъул шифокори Виктория Задорожная сўзга чиқар экан, жумладан шундай деди:

—Гиёҳванд моддаларни бир марта татиб кўришнинг ўзи одамни мубталолик гирдобига ташлайди. Биз, сиз ёки ҳаммамиз гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлганларни кўриб турамиз. Улар биз билан ёнма-ён. Лекин бизнинг бутун фожеамиз шундаки, қўл силтаб кетаверамиз.

Она ўз боласини назорат қила олмаслиги оқибатида ёшлар бу кўчага кириб кетишяпти. Менимча, ўсмирларни, оналарни, умуман ҳаммани вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиб туриш лозим.

Юридик институти "Жиноят ва жазо" кафедраси доценти Маъфират Икромова:

— Бу борада ҳуқуқий саводхонлигимиз етарли эмас. Гиёҳванд моддаларни тасизликдан келиб чиқмоқда. Гиёҳвандлик, кашандалик ва ҳоказо ҳолатлар фожеаларни кўпайтирмоқда.

Машғулотга қатнашган 400 дан зиёд талабанинг фикри-зикрига жойланган "Аёл, ўсмир ва қонун" мавзуси, шубҳасиз, мажлислар залининг ўзида қолиб кетмайди.

Алқисса, мактаб фаолиятини қўллаб-қувватлаш, эҳтимол, улар сонини кўпайтириш керак. Унинг учинчи машғулоти Тошкент Давлат юридик институтида май ойида ўтказилади.

МУХБИРИМИЗ

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўрсатилганидек, Марказий банк томонидан 2000 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўзгарувчан қайта молиялаш ставкасини белгилаш механизми жорий этилди.

• Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги конлардан бирида турли соҳаларда ишлатиладиган, мамлакатимизга четдан хом ашё сифатида келтирилаётган бентанит заҳираси мавжуд бўлган кон борлиги аниқланди.

• Вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари ва республика газеталари ҳамда телерадиокомпаниясининг Самарқанддаги мухбирлари билан бўлган самимий мулоқот чоғида вилоят ҳокими Эркин Рўзиев оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида гапира туриб, самимий танқид бўлса, менинг ҳақимда ҳам ёзинглар, дея журналистларни дадилроқ бўлишга ундади.

• Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизматининг хабарига кўра, шу йилнинг 30 март куни "Ғишт кўприк" божхона постида тўхтатилган Эронга қарашли, давлат рақами ТЕН—21657 (ТИР-КАРНЕТ) бўлган "Ивеко" русумли автомашинада ҳужжатларда қайд этилмаган, ичига радиоактив модда жойлаштирилган ўнта қўрғошин контейнер борлиги аниқланган.

• Россияда бўлиб ўтган президентлик сайловларининг расмий натижалари бўйича ҳисоб-китобни Марказий сайлов комиссияси 5 апрелда ниҳоясига етказиб, 7 апрелда эълон қилгач, бир ойдан сўнг, яъни 7 майда Владимир Путин ушбу лавозимни расман бажаришга киришади, дея ахборот берди МСК бошлиғи А.Вешняков.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари АҚШни БМТ олдидаги 1,7 млрд. доллар қарзини узишга чақирди.

• Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларининг 24 тасида 17 кун давомида олиб борилган наркоманияга қарши кураш амалиёти пайтида 2300 киши қамоққа олинган, 5,5 тонна кокаин, 550 кг героин ва ушбуларни ишлаб чиқарадиган 94 та лаборатория йўқ қилинди.

Бир куни мактабимизни тугатган, бугунги кунда вилоятимизда турли лавозимларда ишлаётган собиқ ўқувчиларимизни "бир пиёла чой устида" суҳбатга чорлаб, уларга маблағ тўғрисида маслаҳат солдик.

Қизиқарли ташкил қилинган дарслар эса жуда тез ўтадики, ўқувчилар келгуси дарсларни орзиқиб, ҳавас билан кутадилар.

СИНОВ ЯҚИН

Умумий ўрта таълим муассасаларида 1999-2000 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш юзасидан айрим тавсиялар

(Боши 1-бетда)

Битирувчи синфларда имтиҳонларни ўтказиш вақти Халқ таълими вазирлигининг буйруғида кўрсатилган муддатларда ўтказилади. Мактаб директори навбатдаги педкенгашда ўқитувчилар жамоасини меъёрий ҳужжатлар билан таништириши зарур ва имтиҳонга кирадиган ўқувчилар рўйхати синфма-синф тасдиқланиши керак. Шунингдек, тиббий маълумотномаси мавжуд бўлган (ВКК тасдиқлаган) ўқувчи имтиҳондан озод қилинганлиги ҳақида ҳам педкенгашда қарор қабул қилиниши керак. Имтиҳонлар мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади.

Имтиҳонлар бошланишидан камида 10 кун олдин ўқувчилар ва ўқитувчилар атрофлича таниши олишлари учун жадвал осиб қўйилади.

Имтиҳонлар жадвалини тузишда қуйидагиларга эътибор берилади:

— бир синфда бир кунда биттадан ортиқ имтиҳон ўтказилмайди;

— ўқув предметлари бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар оралиғи 2 кундан кам бўлмаслиги керак;

— бир предметдан ёзма ва оғзаки имтиҳон киритилган бўлса, аввал ёзма имтиҳонлар ўтказилади.

Имтиҳонларда ўқувчилар билими, малакаси ва кўникмаларига қўйилган талаблар ҳар бир фаннинг амалдаги ўқув дастури асосида белгиланади:

— ёзма имтиҳонлар учун энг ёруг ва кенг хоналар ажратилади. Ёзма имтиҳонларда IX, XI (XII) синф ўқувчилари парталарга (стол) биттадан жойлаштириладилар;

— ўқувчиларга ёзма имтиҳонлар ва оғзаки жавобларни тайёрлашлари учун мактаб тамғаси туширилган алоҳида варақлар берилади;

— оғзаки имтиҳонларни топширишда ўқувчиларнинг сони 20 дан ортиб кетган тақдирда имтиҳонлар 2 гуруҳда кетма-кет бир кунда ўтказилиши мумкин;

— имтиҳонларга тайёрланиш учун ўқувчиларга 15-20 дақиқа вақт ажратилади.

XI (XII) синфда ёзилган иншо учун иккита баҳо қўйилади:

— биринчиси (суратда) адабиётдан мавзу мазмуни учун;

— иккинчиси (махражида) она тилидан саводхонлиги учун.

Битирувчи XI синфларда фанлар бўйича якуний баҳолар X, XI (XII) синфлардаги йиллик баҳолар асосида чиқарилади.

Ҳар бир синов хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин ўқувчининг йил давомида давлат дастури ҳажмида ва ДТС талаби даражасида ўзлаштирган билим, малака ва кўникмаларини аниқлаш, сарҳисоб қилиш ва тегишли хулоса чиқаришга ёрдам беради. Шу маънода Таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш, мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини янада ривожлантириш, мантиқий мушоҳада юритиш кўникмаларини яна бир бор синаб кўриш каби мақсадларга қаратилгандир. Хусусан, 9-синфда она тили бўйича ўтказиладиган ижодий баён ўқувчилар умумий саводхонлигини ошириш билан бирга, билиш фаолиятини кенгайтиришга, дунёқарашини бойитишга, тафаккурини ривожлантиришга, ижодий қобилиятларини устиришга ёрдам беради. Бунда ижодий баён учун танланган матнларнинг она Ватан тарихи, маданияти, миллий қадриятлар, Ватан туйғуси, истиқлол одимлари, экология ва саломатликка оид мавзуларда бўлишига эришиш лозим.

11-синфни битириш арафасида турган ёшлар иншо ёзиш малакасини пухта эгаллаган, ҳар қандай жанрдаги матнни таҳлил эта олиш кўникмалари ривожланган, ўзлари ҳам ҳар тарафлама шахс сифатида шаклланган ҳисобланадилар. Иншо мавзуларини айниқса, эркин мавзуларни ёритишда ўқувчилардан давр нафасини диққат марказида тутишлари, ўзларини тўлқинлантирган воқеалар, мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ишлар ҳақида ўз олдиларига қўйган олий мақсадлар, Ватан ва халқ олдидаги бурчлари нималардан иборат эканлиги ҳақида атрофлича мушоҳада юритишлари талаб қилинади. Иншо учун 4 (астрономик) соат ажратилади. Ёзма иш мазмуни ва ўқувчининг имло саводхонлиги алоҳида баҳоланади.

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 9-11-синфларида ўзбек тили фанидан битириш имтиҳонлари оғзаки (билетлар ва тест топшириқлари асосида) ўтказилади.

Мазкур фандан битириш имтиҳонларини ўтказишдан мақсад битирувчиларнинг ўзбек тили таълими бўйича эгаллаган нутқ малакаларини текшириш, улардаги зукколик, зеҳн ўткирлиги, билимларни эгаллаш қобилияти ва ҳоказоларни аниқлашдан иборат. Имтиҳон материалларини тузишда ўзбек халқининг маънавияти, миллий қадриятлар, ёзма ва оғзаки нутқий мулоқотнинг турли хусусиятлари қамраб олиниши, грамматик материалларни амалий ўзлаштириш ва адабий материалларни таништириш воситасида ўлардаги нутқий шаклланиш ва бадиий адабиёт намуналарини ўзлаштириш даражасини синаш кўзда тутилади.

Ғарбий Европа тиллари (инглиз, немис, француз) бўйича битириш имтиҳони тест синови ёки билет усулида ташкил этилади. Синов материалларини тайёрлашда ўқувчиларнинг иккинчи тилни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, талаффуз меъёрларини кузатиш билан бирга тили ўрганилаётган мамлакат тарихи, маданияти, қадриятлари ҳақидаги тушунчаларни билиш назарда тутилади.

Битирувчи 9-синфларда рус тилидан оғзаки имтиҳон ўтказилади. Синов материаллари ўқувчиларнинг адабий ўқиш малакаларини кузатиш грамматик саводхонлигини мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини аниқлаш тарзида шакллантирилади.

Узбекистон тарихидан имтиҳон топширилаётганда ўқувчилар амалдаги дарсликлардан ташқари тегишли манбалардан ўз фикрларини мустақил равишда умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндошиб баён этишлари тавсия қилинади. Синов материаллари тузишда ўқувчиларнинг тарихий ўлкашунослик соҳасидаги билимларини аниқлаш ҳам кўзда тутилган. Бунда Узбекистон ҳудудидаги давлат тизимларининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий асослари, маданий ва маънавий қаёти масалалари ўзбек давлатчилиги тарихи билан узвий тарзда баён этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Узбекистон Республикаси ёш авлоднинг жисмонан соғлом ўсишига ва Ватан ҳимоясига доим тайёр бўлиб туришига масъулдир. Мазкур талабнинг амалга оширилиши ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишида ажралмас таркибий қисм сифатида жисмоний камолотга етарли даражада эришишни таъминлайди.

Бу талаб ва эҳтиёж "Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида"ги Қонун, "Соғлом авлод учун" истиқбол дастури, 1993 йил 18 март 144-сонли ва 1996 йил 17 январ "Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 27-сонли қарори, Узбекистон Халқ таълими вазирлигининг "Узбекистон Республикаси мактаб ўқувчилари ўртасида футболни ривожлантириш тўғрисида"ги 1/1 буйруғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 феврал "Соғлом авлод" Давлат дастури тўғрисидаги 46-сонли қарорига асосан, Халқ таълими вазирлигининг 2000-2003 йилларга мўлжалланган "Соғлом авлод" комплекс тадбирлари дастуридан келиб чиқади.

Жисмоний тарбия бўйича битирувчи 4-, 9-, 11-синфларда имтиҳон ўтказилади. Имтиҳонлар мактабнинг жисмоний тарбия дастури талабларини, у ёки бу мактабларнинг моддий-техника базасининг имкониятларини, спорт стадионлари, майдонларининг борлиги ва жиҳозланганлиги, ностандарт жиҳозлар, тренажерлар ва ҳоказони ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Битирув имтиҳонлари ҳамма мактаблар учун бир хил "Таълим асослари"дан тузилган назарий саволларга ёзма равишда жавоб ёзилади.

Соғлиғи ночорлиги туфайли тиббий гуруҳларга ажратилиб махсус дастур асосида ҳафтасига 2 мартадан шуғулланган ўқувчилар имтиҳон топширмайдилар. Имтиҳон жараёнида, албатта, тиббиёт ходими бўлиши шарт.

Мактаб педагогика кенгашининг йиғилишига 4-, 9-, 11-синфларни битирувчи ўқувчиларни имтиҳонга киритиш ҳақидаги 3 та рўйхат топширилади.

1. Имтиҳонга кириш учун рухсат берилган ўқувчилар рўйхати;

2. Бетоблиги туфайли тиббий маълумотномаси асосида имтиҳондан озод этилган ўқувчилар рўйхати (ВКК варақаси);

3. Имтиҳонга киритилмаган, кузги синовларга қолдирилган ўқувчилар рўйхати.

Педагогик кенгаш рўйхатларни тасдиқлаганидан сўнг, ўқувчиларни жисмоний тарбиядан имтиҳонга киритиш ҳақида буйруқ берилади. Имтиҳон ҳайъат аъзолари мактаб директори томонидан тасдиқланади. Улар сони тиббий ходим билан биргаликда 5 нафардан ошмаслиги керак.

Назарий саволлар бўйича билетни ўқувчи имтиҳон куни олади. Жавоблар ёзма бўлади. Амалий машқлар бўйича билетларни бир кун олдин оладилар ва қатор олдида олган билет мазмунини ўқийди. Бундай ёндашишда ўқувчи керакли спорт анжомларини тайёрлайди. Амалий меъёрларни топшираётганда 2 мартагача топширишга рухсат берилади.

Республика ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун математика фанидан биринчи бор оғзаки имтиҳон ўтказилади. Ҳар бир билетга алгебра ва анализ асосларидан битта назарий савол ва иккита амалий топшириқ, геометриядан эса битта назарий савол ва стереометриядан масала киритилган. Ўқувчидан 5—9-синфларда математикадан ўтилган асосий мавзуларни билиш талаб қилинади. Алгебра ва анализ асосларидан ҳамда геометриядан келтирилган назарий саволларда исбот талаб қилинмайди, шунинг учун ҳам ўқувчи сўралган мавзуга оид асосий тушунча ва тасдиқларни келтириши кифоя.

11-синф ўқувчилари эса математикадан ёзма имтиҳон топширадилар. Ёзма имтиҳонлар билетлар асосида топширилади. Имтиҳонда ёзма жавоб ёзиши учун 4 (астрономик) соат берилади. Математика фани чуқур ўрганиладиган мактаб (синф) ўқувчилари учун мўлжалланган билетлардаги алгебра ва анализ асослари ҳамда геометрияга оид назарий саволларнинг ҳар бирида исбот талаб қилинади.

Физика ва кимёдан имтиҳонлар 11-синфларда оғзаки ўтказилади. Бунда имтиҳонларни тест усулида компьютерларда ёки билетлар воситасида ўтказилади. Имтиҳон саволлари 11-синфгача ўтилган барча мавзуларни ўз ичига олади. Тестлар сони 50 та булади. Бунда ҳар бир бўлимдан танлаб олинган тестлар сони дастурда шу мавзуларга қаратилган соатларга мутаносиб бўлиши керак.

Компьютер асосида тест синови билан битирув имтиҳонини ташкил этиш ўзининг катта самарасини бериб келмоқда. Бу йил ҳам компьютерда битирув имтиҳонлари учун тест синовлари дискетларга туширилади. "Правец" ва IBM туридаги компьютерлар учун 100 тадан янги тестлар тайёрланди. Бу тестлар аввалги йилларда фойдаланилган тестлар билан бирлаштирилиб, бир нечта вариантлар тайёрланади. Шу сабабли имтиҳонларга тайёрланиш учун 1998-1999 ўқув йилининг битирув имтиҳонлари тестларидан фойдаланиш мумкин. Янги 1999-2000 ўқув йилида битирув имтиҳонлари тестларини олиш учун шартнома тузган ва пул ўтказган вилоятларга ўқувчилар тайёргарлик кўриш учун янги тест саволлари олдиндан берилади. Бу материалларни олиш учун таълим муассасалари Республика таълим марказига мурожаат этишлари мумкин.

Хулоса шуки, битириш имтиҳонларининг ҳам ташкилий, ҳам мазмун жиҳатдан юқори савияда, мавжуд талаблар даражасида, энг муҳими, одилона ўтказилишида мактаб жамоаси билан бир қаторда битирувчилар ва ота-оналар ҳам бирдек масъулдирлар.

Республика таълим маркази

ҚУРИЛИШНИ БОШЛАШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

— Ҳа. Бугун кўриниб турганидек, амалга оширилган ишлар бир қараганда осонгина, силлиқкина биттанга ўхшаб кўринади. Аслида бу узоқ йиллар мобайнида халқимизнинг болалари деб юғур-юғурлар, саргайишлар, гап эшитишларимизнинг меваси. Ҳаммасини айтиб ўтирмайин. Мана охиридаги безатиш ишларига кетган 100000 сўмдан зиёд ҳомийлик маблағи қандай топилганини айтиб берсам. Халқимиз ичида зўига яраша тўқ, обру-эътиборга эга бўлганлари кўп. Бу қурилаётган мактабда ким ўқийди? Худди шу қишлоқдошларимизнинг 3-4 нафарлаб фарзандлари ўқишади. Ахир ҳаммамиз ҳам ўзбекмиз, шу болаларимизни деб юрибмиз. Аввало, кейинчалик саховат кўрсатган бу қишлоқдошларимизнинг ҳар бирига алоҳида мурожаат қилдим. Сўнг натижаси кам бўлавергач, кенгашиб ҳамқишлоқларимизнинг ҳотамтойлик қитиқ патларига тегишни, "халқ дипломатияси"ни ишга солишни лозим топдик. Бир куни мактабимизни тугатган, бугунги кунда вилоятимизда турли лавозимларда ишлаётган собиқ ўқувчиларимизни "бир пиёла чой устида" суҳбатга чорлаб, уларга маблағ тўғрисида маслаҳат солдик. Шундан сўнг "Зарафшон" жамоа хўжалиги раиси А.Шеров, ҳуқуқшунос А.Ҳожиев, вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи Н.Мансуров каби юртдошларимиз 100000 сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдамларини кўрсатдилар. Мана бугун ҳам мактабимизнинг собиқ ўқувчиси, 5 йилдан буён ҳар йили Наврўз байрамида узининг ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келаётган Навоий тоғ-металлургия заводи ҳайдовчиси Исроил Каримов турли спорт тадбирларига 10000 сўм пул ажратиб, беллашувлар устида ўзи турибди. Бу ердан рўйланган мактабимизнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Қутли Тураев узининг 4000 номдаги шахсий кутубхонасини болажонларга совға қилди.

Бугун элимиз фарзандлари ўзлари истаган мактабда билим олишиб, ўқитувчиларимиз ўзлари орзу қилган илм масканида ўқувчиларга билим беришмоқда. Синфларимизнинг ҳеч бири йўққи, унда замонавий асбоб-ускуналар қўйилмаган бўлсин. Шу фанлардан чуқурлаштирилган синфлар мавжуд физика, кимё, биология кабинетларимиз тўлиқ жиҳозланиб, ҳар бир тажрибани ўтказиш учун шароит мавжуд. Тил кабинетлари лингафонлар билан тўлиқ таъминланган. 180 ўринли жуда чиройли қилиб собиқ ўқувчиларимиз — тиббиёт ходимлари томонидан безатиб берилган, залга мавсумга қараб иссиқ ва совуқ ҳаво бериб турадиган асбоблар билан жиҳозланган, тепадан ва пастдан иситиш тармоғига уланган мажлислар залига эга бўлдик. Ҳавас қилса арзийдиган ошхонамиз бор. Иситиш учун 4 та қозонхонамиз бор. Ҳозир 1 таси кифоя қилиб турибди.

Бинонинг фойе ва коридорларига Узбекистон ва Президентимиз ҳақидаги, мактаб паспорти ва мактабни бошқарган раҳбарлар ҳақидаги, фахрийлар, аълочи ўқувчилар ва уларнинг отаоналари тўғрисидаги маълумотлар хоразмлик усталар ясаган махсус безаклар ичига нафис қилиб ўрнатилган. Информатика кабинетимиз сўнгги авлод "ПЕНТИУМ-I" компьютерлари билан таъминланган. Бир синф комплектли "Правец" русумли ўқув компьютерларидан ҳам унумли фойдаланаяпмиз. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқувчи ва ўқитувчиларимизнинг билим салоҳияти нечоғли юқорилигини ўтган йилги битирган 26 ўқувчимизнинг 16 нафари олий ўқув юртига, 5 нафари техникумларга кирганлигидан ҳам билса булади. Бугунги шароитга эга бўлганимиздан сўнг 3—4 йил ўтиб, барча битирувчиларимиз юқори натижаларга эришиши, шубҳасиз. Шунингдек, синф хоналари янги турдаги мустаҳкам, чиройли ўқув парталари билан тўлиқ таъминланди.

Меҳнат дарсларида ўқувчиларимиз Германиянинг 5 та "Пфафф Зингер" русумли тикув машиналаридан фойдаланиб, касб-ҳунар сирларини ўрганаяптилар. "Замона сўлмаганники, эртадан ноумид бўлмаганники" деганларидек, ҳозир Навоий вилояти савдо ташкилотлари билан шартнома асосида иш бажариб, фаолият юритиш режаларимиз бор. Мактабнинг эски биносини таъмирлаб, тикув цехи очмоқчимиз. Бунда ўқувчиларимиз ҳам касб урганишади, ҳам фойда ҳисобидан 70 фоиз маош олишади.

Биз эришганимиз етади, бўлди деб турганимиз йўқ. Мактабнинг эски ҳудудидаги ерга, бу янги мактаб майдонининг 2,5 гектарига бугдой экканмиз. 1 гектар майдонга шоли экамиз. Кичкинагина иссиқхонамиз, 5000 дан зиёд терак-толларимиз, 280 туп мевали дарахтимиз бор. 2000 йил бошида "Соғлом авлод" боғини ташкил этиб, мевали дарахт кўчатлари экдик. Шаҳарликлар ҳавас қилса арзийдиган, яхши жиҳозланган замонавий спорт залимиз бор. Буларнинг ҳаммасидан мақсадимиз элимиз фарзандлари билимли, тўқ, соғлом бўлсин дейямиз. Қолаверса, бойиган киши яна ҳам бойисам, яна бир кун аввалги ҳолимга тушмасам дейди. Бу йил биз биринчилардан бўлиб молиявий мустақил мактаблар сафига ўтганмиз. Ҳаммасида маблағни энди ўзимиз топиб, тўғри сарфлашимиз керак. Туманимиздаги У.Юсупов номидаги 16-ўрта мактаб, Мирзо Улуғбек номидаги 14-ўрта мактаб, Н.Уткиров номли 8-ўрта мактаб, Завқий номидаги 22-ўрта мактаблар ҳам молиявий мустақил мактабларга айланиш арафасида.

Мавруди келганда бир муаммони айтиб кетсам: "Маърифат"ни обуначиларга етказиб бериш бўйича муаммолар бор. Газета ҳафтада 2 марта чиқса, биз бир марта кечикиб оламиз. Биз эса нафақат зиёлиларимиз, халқимизнинг ҳам севимли газетаси бўлган "Маърифат"нинг ҳар бир сонини интиқ бўлиб кутамиз. Ундан зиё ва эртанги кунимиз учун муждалар қидирамиз.

Излангага имкон ҳамиша топилади. Шунингдек, раҳбарлик бўлди, курсини эгаллаб олдим, энди имконим даражасида иш қиламан деб номига пашша қуриб ўтириш эмас. Раҳбарликнинг ҳам ўзига яраша тошу торозиси борлигини унутмаслик керак. Ва дунёда бурч деган тушунча борлигини ҳамиша ёдда сақлашни тақозо этади.

Ҳа, юқоридаги ижобий гапларга хўп, битта мактаб қурилса, қурилибди-да деган муносабатда бўлиш ҳам мумкин. Лекин эътибор, рағбат деган инсоний тушунчалар бор. Зотан, амалга оширилган эзгу ишнинг тан олинмаслиги адолатсизликдир. Шу азиз, муқаддас Ватан барчамизникидир, деб таъкидлайди Президентимиз. Бу фақат оғиздаги қуруқ такрорни эмас, муайян амалий ишни, керак бўлса, узлуксиз машаққатли фаолиятни талаб этади. Бу барчамиздан элимизни суйган, халқимиз ҳам уларни ардоқлаган миллат фарзандлари янглиғ шундайин тупроққа лойиқ яшаб ўтишни сўрайди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ суҳбатлашди.

ФАН ДУНЁСИГА САЁҲАТ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 181-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Акромова ўзининг касб маҳорати, болажонлиги ва изланувчанлиги билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонган. Уни нафақат ҳамкасблари, ота-оналар ва энг муҳими болалар ҳам ниҳоятда қадрлашади. Муаллима ўзининг узоқ йиллик иш тажрибасига таянган ҳолда турли ноанъанавий дарс усулларини излаб топишга ва амалиётга қўллашга, болалар онгига мавзуни чуқур сингдиришга ҳаракат қилади. Унинг бу ҳаракатлари эса беиз кетаётгани йўқ. Ўқувчиларининг дарсни ўзлаштириши даражасига назар ташлар экансиз, бунинг гувоҳи бўласиз.

Бошланғич синфларда ноанъанавий дарслардан фойдаланишнинг аҳамияти хусусида тўхталар экан, "Ўқитувчиларнинг асл мақсади ўқувчиларнинг ўқув истаги ва маҳоратини шакллантириб, уларни барча дарсларда фаол ишлашга жалб қилиш, таълимга бўлган қизиқиш ва мустақиллик туйғусини уйғотишдир, — дейди муаллима. — Мен кўпроқ дарсларда саёҳат ўйинлари, қизиқарли вазифалар, турли жадваллар, расмли карточкалардан фойдаланаман. Улар ўқувчилар учун фикрлашда ёрдамчи ва фаолият таянчи бўлиб хизмат қилади.

Бошланғич синфларда ишлаш жараёнида ўйлашга, янги ўқиш воситаларини излаб топишга, ижод қилишга тўғри келади. Шу мақсадда "Ҳайвонот боғида", "Бозорда", "Циркда", "Буратино билан учрашув", "Коинотга парвоз" каби саёҳат ўйинлари, "Дўстингга панд берма", "Ким тезрок", "Кун ва тун", "Сўзни топ", "Қўзиқорин териш" сингари қизиқарли вазифаларни уюштираман. Ўйинларнинг жозибали номлари болаларнинг диққатини сафарбар қилишга ёрдам беради, уларни чарчатмайди, дарсда ижодий ҳиссиётлар уйғотади. Уларни дарс ўртасида, охирида ёки ҳатто бошланишида ҳам қўллаш мумкин, бунда мазмунни, ўйиннинг мақсади ва характерини ҳисобга олиш керак.

Саёҳат ўйинларининг ҳар бири 8-12 дақиқа давом этади. Масалан, 4-синфда она тили фанидан "Сўз туркумлари" мавзусини ўтаётганда ҳар бир сўз туркумини шаҳар, деб номлаймиз. Масалан, бугунги саёҳатимиз от шаҳрига бўлади, қани, от шаҳрига кетаётганда биз нималарга дуч келамиз, каби савол-жавоблар ўтказилади. Бу ўйинлар болаларни зериктирмайди, аксинча ҳар гал бирорта саёҳатга отланишган вақтида улар қувониб кетишади, уларнинг луғат бойлиги ўз-ўзидан ортиб боради, нутқи ривожланади, диққати фаоллашади, фикр доираси кенгаяди, ижодий хаёлоти тараққий топади. Энг асосийси, дарсда катта самарадорликка эришилади, ҳеч ким зерикмайди. Болалар ўйнар эканлар, беихтиёр равишда олган билимларини мустаҳкамлайдилар ва такомиллаштирадилар.

Бу ўйинларни танлаганимизнинг сабаби шундаки, ана шу ўйинлар орқали таълим бериш ҳар бир ўқувчига ўз кучини синаб кўриш имконини беради. Ва ўз навбатида ўқувчиларда таълимга қизиқиш, истак ва маҳорат пайдо бўлади. Бу эса ҳар бир виждонли, ўз касбини, халқини, ватанини севган, ҳалол меҳнат қиладиган ўқитувчининг орзусидир".

Дарҳақиқат, иқтидорли муаллима Д. Акромованинг дарсларини кузатар экансиз, сиз ҳам гўё болалар билан бирга фан дунёсига саёҳат қилгандай бўласиз ва унинг ўзи эътироф этганидек, ўз касбининг фидойиси бўлган ўқитувчининг болаларда ўқиш истагини пайдо қилишдек орзуси рўёбга чиқаётганлигига, шубҳа қилмайсиз.

И. БЎРИБОЕВ

Суратда: (1-бетда) Чилонзор туманидаги 181-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Дилором Акромова ёш шогирдлари даврасида.

ЁРУҒ ЙЎЛНИ ТАНЛАНГ

Оилада чақалоқ йиғиси янгради. Унинг овози бутун оламни тутди. Беғубор гўдакни қўлига олиб, унинг рухсорига тўймай, меҳр билан боқиб туриб яхши ниятлар тилаётган, ҳамда орзулар оғушида дуога қўл очган ота-онани кўз олдингизга келтиринг. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, бола тарбиясига "вақти" бўлмаётган ёки тарбияни иккинчи даражали иш деб билган ота-оналар ҳам бор. Тарбия қанчалик яхши бўлса, фарзанднинг эртаси, келажаги порлоқ бўлади. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Орамизлаги баъзи бир нопок ниятли инсонлар ҳам оилада, маҳаллада тарбия топган. Ахир улар ҳам қайсидир шўрпешона ота-онанинг оқу қораси-ку. Энг хунуги ёшларнинг нотўғри йўлларга адашиб кириб қолаётгани ва она юртига хиёнат қилаётганидир. "Тўқликка шўхлик" деганларидек, бу ишлар бекорчиликдан, ота-она қаровисиз, назоратисиз қолаётганидан келиб чиқмоқда. Келажакда бахтли инсон бўлишни истаган ҳар бир одам ақл билан иш қилмоғи, меҳнатсевар ҳамда янгиликка интилувчан бўлиши керак. Енгил йўллар билан топилган бойликнинг умри қисқа эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бизнинг вазифамиз, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо деб бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Эзгулик, деб аталмиш ёруғ йўлни танланг, у юксакликка етаклайди.

Мунира ИСМОИЛОВА,
Хатирчи туманидаги 74-мактаб ўқувчиси

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ТЕСТ ДАФТАРЧАЛАРИ

Республикамизда истиқлолга эришган илк кунларданоқ таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор берилаётир. Бунинг боиси шундаки, мактабда келажак авлод, янги замон бунёдкорлари вояга етадилар.

Бугун таълимнинг энг оммалашган, аньанавий усули дарс экан, шу жараёнда ўқувчиларнинг тафаккурини ўстиришда самарали усул ва услублардан фойдалана бориш лозим. Аслида таълим технологияси ҳам худди шунинг ўзгинасидир.

Сирасини айтганда, математика дарслари ўқувчиларни, тезкорликка, чаққонликка ўргатадиган, уларнинг тафаккур доирасини кенгайтирадиган, мустақил фикрлашга ўргатадиган фанлар қаторига киради. Мен ана шу маънода, математика дарсларини ташкил қилишда таълимнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб, ижодий дарслар ташкил қилишга ҳаракат қиламан. Аввало ўқувчилар ўртасида рақобат пайдо қилиш учун гуруҳлар ташкил қиламан.

Гуруҳ аъзолари босқичма-босқич бир-бирларига саволлар бериб борадилар. Масалан, **биринчи босқич:**

1. Математик терминларни идрок қилиш:

— 6 билан 2 нинг йиғиндиси (8);

— 8 билан 3 нинг йиғиндиси (11);

— 7 билан 4 нинг айирмаси (3);

— 12 билан 5 нинг айирмаси (7).

Иккинчи босқич:

2. Амални хаёлда ечиш:

— 12 сони 7 сонидан нечта кичик;

— 18 сони 15 сонидан нечта ортиқ;

— 19 сони 12 сонидан нечта ортиқ.

Учинчи босқич:

3. Масала тузиш:

— Менинг 50 сўм пулим бор эди. Рангли қалам олмоқчи бўлдим. Аммо 30 сўм етмади. Рангли қалам неча сўм туради?

— Акамда 17 сўм, менда ундан 4 сўм кам пул бор. Менинг қанча пулим бор?

Sinab ko'ring

Тўртинчи босқич:

4. Учинчи босқичда тузилган масалаларнинг ифодасини тузинг.

1) 50 + 30 = 80

2) 17 - 4 = 13

Бешинчи босқич:

5. Тарқатма тестларни ечинг. Юқоридаги ҳар бир босқичда синфдаги барча ўқувчилар иштирок этади. Амалларнинг оғзаки, хаёлда бажарилиши бунга имкон беради.

Бунда ўқувчиларнинг тезкор, чаққон бўлишларига эришаман. Уларнинг идрок этиш, тафаккур қилиш, хотирада сақлаш қобилиятларини ўстириб бораман. Айниқса, 2-синф ўқувчиларини тест билан ишлашга ўргатиш учун ҳар бир дарсда турли тест вариантларидан фойдаланаман. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи учун кичик тест дафтарчалари ташкил қилганман. Ўқувчилар тарқатма тест варақаларидаги ўзлари тўғри, деб билган жавобни ўз дафтарчаларида белгилайдилар. Ўқувчиларнинг қобилиятига қараб биттадан учтагача тарқатма тест бериб , бир минутда йиғиб оламан. Баҳоларини кейинги дарсда айтаман. Бу ҳол ҳар дарсда такрорланади ва чорак охирида ана шу натижаларни ҳисобга олган ҳолда чораклик баҳо қўяман.

Ўқувчилар жавобни тарқатма тест варақасида эмас, дафтарчада белгилаганлари туфайли битта вариантни бир неча дарсда қўллаш мумкин. Дарсларда бундай усулларни қўллаш, аввало, билимда рақобатни туғдириш ва шу йўл билан ўқиш самарадорлигини ошириш, машғулотларни қизиқарли уюштиришга имкон беради.

Қизиқарли ташкил қилинган дарслар эса жуда тез ўтадики, ўқувчилар келгуси дарсларни орзиқиб, ҳавас билан кутадилар. Бу эса ўқитувчига яна ҳам иштиёқ билан ишлашга қанот бахш этади. Бугун таълимимиздаги турли ислоҳотлар туфайли жаҳон стандартларига қараб борар эканмиз, нутқи равон, тафаккури тиниқ, мустақил маънавиятли авлодгина бизнинг юзимизни ёруғ қилади.

Садри ҚЎЛДОШЕВ,
Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 24-ўрта мактабнинг 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

МАКТАБДА БАЙРАМ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани М. Мажидов номидаги 82-мактабда Наврўз байрами ва "Мучал" тўйлари бўлиб ўтди.

6-махсус синф раҳбари Ш. Музаффарова барча йиғилганларни табриклаб, 40 нафар ўқувчиларнинг мучал тўйига бағишланган байрам дастурини бошлаб берди. Ўқувчилар "Наврўз", "Қалдирғоч", "Бойчечак", "Болалар" гуруҳига бўлиниб байрам чиқишларини намойиш этдилар. Тадбирга болаларнинг севимли "Оқшом эртаклари" кўрсатувидаги Қовоқбой ташриф буюриб, ўзининг қизиқ ҳажвия ва образли ҳаракатлари билан даврага файз, хушчақчақлик киритди. Болаларнинг кўтаринки байрам-қувончларига катта қувонч, кайфият улашди.

Ўқувчиларнинг Ватан, Наврўз, она тўғрисидаги шеър-қўшиқлари, 12 мучал ҳақидаги театрлаштирилган кўринишлари тадбирга йиғилган мактаб ўқитувчилари ва ота-оналарнинг гулдурос қарсаклари билан олқишланди.

Тадбирда Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими услубчиси, хотин-қизлар кенгаши раиси, "Соғлом авлод дастури" бўйича туман бошқарувчиси Д. Каримова иштирок этди ва йиғилганларни қўшалоқ байрам билан қутлади.

Кудрат МИРАҲМЕДОВ,
82-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси

Наврўз шодиёнаси жойларда кўтаринки кайфият, хурсандчилик билан ўтаётир. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 522-болалар боғчасида "Ассалом, Наврўз" мавзусида катта байрам шодиёнаси бўлиб ўтди. Тантана кенг, озода, байрамона безатилган боғча ҳовлисида бўлди. Наврўз шодиёнасида мусиқа раҳбарлари Эъзоза Рўзиева ва Гўзал Султонова бошчилигида боғчанинг 14 гуруҳи жажжи ўғил-қизлари иштирок этдилар.

Мурғак қалблар Нодира, Алишер Навоий, Фурқат, Бобур сингари буюк алломалар образлари тимсолида тарбияга оид саҳна кўринишлари намойиш қилдилар. Баҳор, Наврўз, сумалак ҳақида қўшиқ ижро этиб, рақсга тушдилар.

***Суратларда**: 522-болалар боғчасида ўтказилган "Ассалом, Наврўз" шодиёнасидан лавҳалар акс эттирилган.*

Манзура ШАРИПОВА олган суратлар.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг шу йил 1 апрель сонидаги "Ишлаганга вақт етмайди, дангасага вақт ўтмайди" мақоласининг биринчи устуни учинчи хатбошиси "Шунингдек, 1 апрелдан ТерДУнинг 96 нафар талабаси педагогик амалиётни бевосита мактабларда ўтай бошлади" тарзида тузатиб ўқилсин.

Бола 3-4 ёшида, яъни боғча ёшида ўта қизиқувчан, шу билан бирга ўткир хотирали ва зийрак бўлади.

Тестларга тайёрланишга ёрдам сифатида чиқарилаётган қўлланмалар, тавсияномалар кундан-кунга ортиб бормоқда.

Yil o'qituvchisi —2000

ҒОЛИБЛАР ИЧРА ҒОЛИБ

Баҳорги таътил кунлари ҳам ўқитувчилар тинмади, кимдир ҳисобот топширган, кимдир ўқувчиларни музей, театрга етаклаган, кимдир, аниқроғи "тиниб-тинчимаган одамларей" шунча юмушдан ортиб танловларда қатнашиб юрибди. Уларга "Балли, балли" дегимиз келади.

Тошкент шаҳридаги 97-мактабда ҳам "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловга ТШХТББ ходимлари Л. Пинчук, А. Зиёмуҳамедовлар ташриф буюришди. Дарслари ва ижодий иши юқори баҳоланган 7 нафар ўқитувчи "Ташриф варақаси", "Педагогик вазият", "Келажак мактаби", "Менинг қизиқишларим" шартлари бўйича ўзларини таништирдилар, ноқулай вазиятдан усталик билан чиқа олиш усулларини баён этдилар, санъат ва адабиёт бўйича маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари С. Курепина, М. Юнусова, М. Мирзамуҳамедовалар ғолиблар ичидан ғолиб деб 70-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Ғаниевани топдилар. II ўрин 17-мактаб ўқитувчиси С. Лейхо, III ўрин 117-мактаб ўқитувчиси Сурайё Азимовага насиб этди. ТХТБ мудираси Маъсуда Одилова танлов иштирокчиларнинг фаоллиги, изланувчанлигини юқори баҳолаб, уларга миннатдорчилик билдирди ва 10000 сум пул мукофоти топширди. Ғолибларга Юнусобод ТХТБ касаба уюшмаси қўмитаси ва ҳомий ташкилотлар вакиллари ҳам қимматбаҳо совғаларини топширишди.

М. ВАЛИЕВА,
жамоатчи мухбир

* * *

Анъанавий ўтказилиб келинаётган "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови кўплаб истеъдодли ёш мураббийларни кашф қилмоқда. Нилуфар Ҳусанбоева шундай янги кашф қилинган, изланувчан ёш ижодкор ўқитувчилардан бири. Танловнинг туман босқичида ғолиб чиққан Нилуфар Собир Раҳимов туманидаги 165-мактабда химия-биологиядан дарс беради.

Н.Ҳусанбоева 1973 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1990 йили ўрта мактабни тамомлаб, Низомий номидаги ТДПУнинг кимё-биология факультетига ўқишга кирди. Онаси Нафиса Отажонова узоқ йиллар 165-мактабда кимё фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Онаси изидан борган Нилуфар ҳам айни дамда ёш авлодни табиий фанлар сирлари билан чуқурроқ таништиришга интилиб келмоқда. Бу йўлда унга "Ёш кимёгар" тўгарагининг раҳбари эканлиги ҳам ёрдам бераётир. Янгиликка интилувчан ёш муаллиманинг шогирдлари туман, шаҳар олимпиадаларида фахрли ўринларга сазовор бўлиб келишмоқда.

Ўз устидаги тинимсиз меҳнат мевасини берди. Н.Ҳусанбоева Собир Раҳимов туманининг "Йил ўқитувчиси" сифатида эътироф этилди.

Суратларда: *танловдан лавҳа ҳамда танлов ғолибаси Нилуфар Ҳусанбоева.*

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар

МАФКУРА ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Фанлар Академияси президиумида Ёш олимлар миллий жамияти, Республика фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Республика маънавият маърифат кенгаши ҳамкорликда "Маънавият, миллий ғоя, мустақиллик мафкураси ва ёшлар" мавзусида илмий-амалий анжумани ўтди.

Анжуманни Фанлар Академияси вице-президенти Мирзаян Комилов кириш сўзи билан очиб, бугунги ёшлар, аниқроғи, ёш олимлар маънавий дунёсида миллий ғояни шакллантириш, уларнинг фақатгина илмий жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам бойиб боришига эътибор бериш кераклигини алоҳида айтиб ўтказди.

—Халқимиздаги олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган гапга алоҳида эътибор берган ҳолда иш олиб боришимиз керак, — деди Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси Абдулла Шер. — Маънавий етук инсон ўзлигини англайди, шунга яраша фаолият юритади. Биз шундай инсонни яратишимиз керак.

Семинарда сўзга чиққанлар ҳаётимизнинг барча соҳаларида маънавий етукликнинг аҳамияти ва бу етукликка эришиш учун нима қилиш кераклиги хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳамда таклифларини билдирдилар.

Нодиржон ЮСУПОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Шу кунларда республикамизнинг барча мактаб, лицейлари битирувчилари олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш тестларига катта умидлар билан тайёрланишмоқда. Чунки, қабул имтиҳонларининг тест синовлари шакли адолат мезони эканлигини барча тушунди. Республикамизнинг илмий-педагогик лаёқатидан самарали фойдаланаётган, тест-синовлари имтиҳонларини жаҳон андозаларига яқинлаштириб бораётган Давлат Тест маркази ҳақли равишда халқимизнинг ишончини қозонмоқда.

Тестларга тайёрланишга ёрдам сифатида чиқарилаётган қўлланмалар, тавсияномалар кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо, улардан қандай фойдаланиш, кириш тестларига тайёрланишни қандай ташкил қилиш, битирувчиларнинг дарсларини қолдириб репетиторларга чопишларининг қандай қилиб олдини олиш мумкин, деган муаммолар йиғилиб қолди. Шу билан бирга буларнинг самарали ечимларини топаётган педагогик жамоаларимиз ҳам кўпаймоқда. Улар битирувчилардан 90-100 фоизининг олий ўқув юртларига киришига эришмоқдалар. Бу мактаб, лицейлар тажрибаларини ўрганиш орқали юқоридаги саволларга жавоб топа оламиз. Шу ўринда Самарқанд Давлат чет тиллар институти қошидаги лицей директори А.Аҳроров ўз жамоасида битирувчилар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни айтиб берди:

—Бу йил бешинчи марта битирувчиларимизни чиқараяпмиз. Ўтган тўрт йил давомида 80-90 фоиз ўқувчиларимиз битирган йилларининг ўзида нуфузли олий ўқув юртларига киришди. Биргина Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига 1999 йилда 12 нафар битирувчиларимиз ўқишга киришди. Бу натижаларга эришишда қуйидаги ташкилий ва услубий ишларимиз қўл келмоқда:

ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

— ўқув йилининг дастлабки ойидан бошлаб институтларга тайёргарлик курслари ташкил қиламиз. Курслар, асосан, шанба-якшанба ва таътил кунлари ўтказилади;

— ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналарига республикамиздаги олий ўқув юртлари, улар тайёрлайдиган мутахассисликлар ҳақида маълумотларни мунтазам бериб борамиз;

— кейинги йиллардаги кириш тестларининг натижалари, ўтиш баллари ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларда билимларни доимий ошириб боришга катта қизиқиш орттирмоқда. Бу маълумотларни Давлат Тест маркази томонидан чиқарилаётган ҳар йилги таҳлиллардан доимо олиш мумкин;

— тайёргарлик курсларимизни ижтимоий, табиий ва аниқ фанлар гуруҳлари шаклида ташкил қиламиз. Дарс жадваллари ҳам шу асосида тузилади. Унда ҳар куни 4-6 соат дарслар қўйилади. Курсларимизда ўқитувчиларимиз дарс беришади. Зарур бўлганида малакали ўқитувчиларни таклиф қиламиз. Курслар 15-20 июлгача давом этади.

Бу ташкилий услубимизнинг қулайлиги шундаки, ўқувчи лицейдаги дарслардан қолмайди, вақт йўқотмайди, оила иқтисодий жиҳатдан ютқазмайди.

Курсларда ўқувчиларнинг мустақил ишларига катта эътибор берилади. "Ахборотнома"ларни мавзулар бўйича ўрганишга, доимо ўз билимларини баҳолаб боришларига эътибор берилади. Курс давомида ўқувчилардан Давлат Тест маркази талаблари даражасида 10-12 марта назорат тестлари олинади. Бунга вилоят тест маркази билан яқиндан алоқа боғлаганлигимиз катта ёрдам бермоқда. Марказнинг вилоятимиздаги вакили Эсонбой Исроилов ўқувчиларимиз билан Тест марказининг янги талаблари ҳақида суҳбатлар ўтказиб туради ва диагностик тестлар ўтказиб, ўқувчиларимиз тайёргарлигини баҳолаб боришга ёрдам беради. Курс давомида олинган тест натижаларини, кейинги тестларнинг балларини таҳлил қилиб ўқувчи ва унинг ота-онасига тавсия берамиз. Бу ўқувчиларнинг ўз имкониятларини тўғри баҳолашига, танлаган касбига доир бир неча институтлардан кучи етадиганини ажрата олишига имкон яратади.

Бундай тайёргарлик курсларини ҳар бир мактабда ёки бир-бирига яқин мактаблар ҳамкорликда ташкил қилишлари мумкин.

Жаҳон таълим тизимлари амалиёти олий ўқув юртлари ва коллежларига тайёргарлик курсларининг зарурлигини тан олган. Кўплаб давлатларда бундай курслар алоҳида таълим масканлари шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг таълим тизимимизда ҳам шундай ёрдамчи бўғинларнинг тезда ўрнини топишига ишончимиз комил.

МУХБИРИМИЗ

СЎЗНИ АНГЛАШ ФИКРНИ УЙҒОТАДИ

Маълумки, халқимиз узоқ тарихга ва бой маданий меросга эгадир. Уларни чуқур ўрганиш, қўлёзма асарларни ўқиш, улар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун араб, форс ва эски туркий тилларни билиш ниҳоятда муҳим.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган сўзларнинг деярли ярмини араб ва форс тилларидан кирган сўзлар ташкил қилади. Мазкур сўзлар қатлами бир неча асрдирки, адабий ёзма тил анъаналари, эски мактаб-мадраса таълими таъсирида шаклланган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз араб-форс тилларини қунт билан ўрганиб, мукаммал билганлар.

Арабча, форсча сўзларнинг маъносини билмаслик, классик адабиётни тушунмаслик, бир томондан, ўзбек халқи маданий бойлигини халқдан узоқлаштириб қўйган бўлса, иккинчидан, сўз бойлиги камайиб кетишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, арабча ва форсча сўзларни, атамаларни билиб-билмай ишлатиш ҳоллари ҳам учрай бошлади.

Узоққа бормай ўтган юз йилга назар ташласак, бу даврда мадрасаларда таълим олган ота-боболаримиз араб, форс ва эски туркий тилларни мукаммал билганликларининг, классик асарларни, қўлёзмаларни бемалол ўқий олганликларининг гувоҳи бўламиз. Шу билан бирга мумтоз шоирларимиз ғазалларида ифодаланган ғояларни, фалсафий фикрларни ечишга ва уларни идрок этишга ҳаракат қилганлар. "Навоийхонлик", "Бедилхонлик" деб номланган турли гурунглар ташкил этиб, Навоий ва Бедил асарларини атрофлича ўрганишган, фикр алмашишган.

Бугунги авлод эса бундай хислатга эга эмас. Вақоланки, араб ва форс тилларини билиш орқали ўқувчи ва талабаларнинг сўз бойлиги ортиб боради. Классик асарларни ўқиб тушуниш қуникмалари ҳосил бўлади. Сўзларнинг маъносини тўла тушуниш орқали уларнинг онги кенгайиб, фикрлаш услубияти ўсиб боради. Луғат устида мустақил ишлаш ва фикр юритиш имкони яратилади. Булар ўқувчи ва талабалар нутқ маданиятининг ривожланишига олиб келади.

Оддий бир мисол:

Араб ва форс тилларидан озгина бўлса-да маълумотга эга бўлган ўқувчи лоақал ҳар куни муомалада кўп учрайдиган китоб, мактаб, мактуб, котиб, кутуб (хона) каби сўзларнинг арабча эканлигини, улар бир негиздан – катаба феълидан ясалганини англаб оладилар. Ёки ҳафта номларида учрайдиган якшанба, душанба, сешанба сўзларини форсча як (бир), ду (икки), се (уч) сонларини шанба сўзига қўшиш орқали ясалганини идрок этадилар ёки кўпинча "дин" сўзи ёрдамида ясалган исмларнинг ёзилишида икки хиллик учраб туради. Масалан, Салоҳиддин – Салохитдин, Фахриддин – Фахритдин, Муҳиддин – Мухитдин каби. Агар ўқувчилар бу ерда "дин" сўзидаги "д" ҳарфининг такрорий ўқилиши қонунларини билсалар эди, ҳеч қачон иккиланмай бу каби исмларда 2 та "д" ҳарфини ёзган бўлур эдилар. Шу билан бирга бу бирикма орқали ўз исмлари қандай маънога эга эканлигини ҳам билиб олардилар. Худди шундай, Дилбар, Дилором, Дилфуза, Дилафруз, Дилдор, Дилнавоз каби исмлар "дил" сўзига турли маънони билдирувчи форсча феъл ўзаклари орқали ясалганини тушуниб олган бўлардилар. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Бу каби мисоллар бугунги ёшу қариларимиз араб ва форс тилларини билиши нақадар фойдали ва муҳим эканлигидан далолат беради.

Мактаб ва олий ўқув юрти ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, мумтоз ўзбек адабиёти дарсини ўтишда мазкур шеъриятда учраган арабча, форсча ва туркий сўзларнинг маъносини таҳлил қилиб, ўқувчиларга тушунтириб бериш керак, токи улар Алишер Навоий мавзусини ўтганда, лоақал Навоийнинг "Хамса", "Мезон ул-авзон", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Садди Искандарий", "Лисон ут-тайр", "Мажолис ун-нафоис" каби асарлари номларининг чин маъноси ва уларнинг қандай тартибда ясалганлигини тушуниб етсинлар.

Менимча, дунёга машҳур бўлган улуғ аллома ва мутафаккирларнинг, шоир ва фозилларнинг асарларини ўқиб тушуниш, талаба ва ўқувчиларнинг сўз заҳирасини бойитиб бериш миллий кадрлар тайёрлашдаги таълим ислоҳотининг асосий йўналишларидан муносиб ўрин эгаллаши керак.

Ҳозирги кунда, форс ва араб тиллари шарқшунослик институтидан ташқари жаҳон тиллари университетида , педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетларида ҳам ўқитиб келинмоқда. Охирги 3-4 йил ичида шарқ тилларига ихтисослашган академик лицейлар очилиб, уларда япон, хитой, корейс, урду, ҳиндий ва турк тиллари билан бир қаторда араб ва форс тиллари ҳам ўргатилмоқда.

Ҳозирги кунда араб, форс, ҳиндий ва урду тилларидан ёзилган дарсликлар анча эскирди. Замон талабига жавоб берадиган дарслик ва ўқув қўлланмалари йўқ ҳисоби. Мактаб ўқувчилари учун шарқ тилларидан дарсликлар яратиш масаласини жиддий ўйлаб кўриш керак.

Малик АБДУСАМАТОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти "Педагогика ва шарқ тилларини ўқитиш методикаси" кафедраси мудири

МЕН БОҒЧАГА БОРАМАН

Халқимизда "Бўлар бола бошидан" деган кенг қамровли бир ибора борки, бу ибора дарҳақиқат ўз мазмунига мос ҳолда амалда, яъни ҳаётда ифодасини топади. Мактабга тайёрлов босқичи, илк таълим маскани бўлмиш мактабгача таълим муассасаси боланинг онги, дунёқараши, унинг ташқи муҳитга мослашишида катта рол ўйнайди. Бола 3-4 ёшида, яъни боғча ёшида ўта қизиқувчан, шу билан бирга ўткир хотирали ва зийрак бўлади. Бу пайтда у ҳар қандай ахборотни ўз дунёқараши доирасида тез қабул қилади ва ўзича шу нарсага тақлид қила бошлайди. Эътибор бер-сангиз, бола боғчадан келгандан сўнг ана шу ерда ўрганган, кўрган-билганларининг барчасини ўз-ўзидан уйда ҳам такрорлайди. Шундай вақтда ота-оналар боланинг хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб, у билан шуғулланиб турсалар, камолга етаётган фарзанд онгида ҳам оилавий, ҳам ташқи муҳит ривожланиб боради. Боғчада олаётган билим ва тарбия кундалик тарзда оилада назорат қилинаётгандан сўнг, бола ўзида қандайдир масъулият сезади ва янада кўпроқ ўрганишга интилади. Истеъдодли ва қобилиятли болалар мана шу боғча давридаёқ кўзга ташланиб қолади. Таълим тизимини қурилаётган иморатга ўхшатсак, боғча ўша иморатнинг пойдеворидир. Пойдевор мустаҳкам бўлса, бино чидамли ва ишончли бўлади. Шундай экан, таълим тизимини боғчасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Афсуски, айрим болалар умуман боғча нималигини билмай, илк бошланғич таълимдан бехабар равишда мактабга борадилар. Тасаввур қилинг, бир кун боғчага бормаган бола бошқаларига қараганда маълум даражада сустлашиб, унинг шаклланишида сезиларли бўлмасада ортда қолишлик ҳолати учрайди. Энди эса, умуман боғчага бормаган бола билан боғча боласи ўртасида катта фарқ бор десак янглишмаймиз. Чунки 6-7 ёшгача бола мактабда ўрганилиши керак бўлган нарсаларнинг моҳиятини анча тушуниб, ўзлаштириб олади. Фақат оилавий муҳитда тарбия топган бола эса, аксинча. Тўғри, оилада ҳам назорат қаттиқ, билим ўргатиш кучли бўлиши мумкин. Лекин, "кўпчиликда ҳикмат кўп" деганларидек, ҳар бири ўзга олам бўлмиш болалар билан ҳамнафас бўлиб, махсус тарбиячилардан таълим олиш бутунлай бошқача. Бу ердагидек тартиб, болаларга хос шарт-шароитлар ўша уйда тарбия олаётган болалар учун доим ҳам мавжуд бўлавермайди. Энг асосийси боғча кўрган бола кўпчиликнинг ичида ўзини тутишга, ҳаяжонланмасликка, яхшию ёмоннинг фарқига оз бўлса-да тушунишга ўрганади. Умуман бола тарбиясида боғчадаги муҳит катта роль ўйнайди. Боғчада фаол бўлган бола, мактаб партасида ҳам ана шу шижоат билан ўтиради.

Ҳар бир даврнинг ўз гашти, сурури бор. Шу ўринда боғча ёшидаги давр ҳам энг беғубор, пок ва ажойибдир. Боғчаларимиз ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда ҳар бир бола ана шу маскандан ўрин олмоғи лозимдир.

Муножот МЎМИНОВА,
ЎзМУ талабаси

Til bilgan — el bilar

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида. "Ногирон аёллар ва болаларнинг маънавият ва маърифат маркази" иш бошлади. Марказ тақдимот маросимида сўзга чиққан университет ректори Баҳром Қодиров шундай деди: – Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак!" деган пурмаъно сўзлари бор.

Марказга бағримиздан жой ажратганимизнинг боиси бор. Чунки университетимизда болаларга таълим-тарбия беришнинг тўрт йўналиши бўйича бакалавр ҳамда магистр педагоглар

Taqdimot

тайёрланади. Бугун марказнинг тасвирий ва амалий санъат устахонаси ҳам очилди. Кейинчалик тил ўрганиш, компьютер синфлари ва бошқа мутахассисликлар бўйича таълим-тарбияни олиб бориш мумкин бўлган хоналарни ташкил қилиш ва ишга туширишни режалаштирганмиз.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, Халқаро "Отин мерос" жамғармасининг раиси, шоир Муҳаммад Али, Яккасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов ва бошқалар марказ фаолиятини қўллаб-қувватловчи фикрларни баён этдилар.

Тадбир "Табассум" кафесида ногирон аёллар ва болалар учун махсус ташкил қилинган бадиий кеча билан ниҳоясига етди.

Баҳром ТОЖИЕВ

ҲАМОН ИЛМ ИСТАБ

Меҳнатсеварлик кишини бахт сари етаклайди. Шунинг учун ҳам донолар "Инсон нима билан фахрланса ёки эъзозланса ҳаммаси меҳнатнинг натижасидир", деб бежиз айтмаганлар.

60-баҳорни қаршилаётган Тошкент кимё-технология институтининг ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосари, халқаро олий мактаб академиясининг академиги, Республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари доктори, профессор Патхулла Исматуллаев ҳам ўз меҳнати туфайли орзу-истакларига, мақсадларига етишди. Бутун умрини Ўзбекистон кимё ва агросаноат комплексида ишлатиладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини аниқлаш, назорат қилиш усуллари, ўлчаш қурилмаларини яратишга ва уларни ўрганишни ўқув жараёнига тадбиқ қилишга бағишлаган олим ҳамон сафимизда.

Устоз олий таълим ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, талабаларнинг кимё ва озиқ - овқат технологияси ҳақидаги билимларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг иш хонаси доимо ўқитувчилар билан гавжум. Кимдир факультет муаммоларига ечим ҳақида маслаҳат сўраса, кимдир дарс машғулотларини янги педагогик технология асосида ўтиш ҳақида тавсиялар олишга мушток.

Ҳар бир инсоннинг умр китоби бўлганидек, устознинг ҳам ҳаёт йўли мазмунли ва ибратлидир.

Домла 1964 йили Москва кимё машинасозлиги институтини муваффақиятли тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини Тошкент политехника институтида ассистентликдан бошлади.

1964-1989 йиллар давомида у киши бу ерда катта ўқитувчи, илмий бўлим мудири, илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари лавозимларида ишлади. Бу даврлар Патхулла ака учун нафақат педагогик фаолият, шу билан бирга, олий ўқув юртида илмий ишларни ташкил қилиш ва улар самарасини ошириш бўйича ҳам фаолият кўрсатди.

Олим изланишидан чўчимади, илм машаққатдан иборат эканлигини билса-да, бу соҳадан ўзини четга олмади. Шу тариқа 1969 йилда номзодлик, 1986 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади.

Профессор Патхулла Исматуллаевнинг 1996-98 йилларда Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида олий ўқув юртлари бош бошқармасининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатиши ҳам ибратлидир.

Домла ўша даврларда олий таълим тизимини чуқур ўрганиб, уни атрофлича таҳлил этди. Хорижий давлатлар билан амалий алоқаларини ўрнатиш, олий ўқув юртлари профессор ва ўқитувчиларининг тажрибасини ўрганиш таклифларини ўртага ташлади.

Патхулла ака қайси даргоҳда ишламасин, кўпгина мамлакатларнинг техник олийгоҳлари билан яқиндан алоқа ўрнатди, илғор иш тажрибаларини чуқур ўрганди. Уларни республика миқёсида тадбиқ этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Қарийб 20 йил давомида илмий бўлим раҳбари сифатида олий ўқув юртида илмий ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди. "Технологик паркларни яратиш ва илмий ишлар самарадорлигини оширишда уларнинг роли" мавзусида ўтган халқаро анжуман ташкилотчиларидан бири бўлиш ҳам у кишининг ҳаётидаги ибратли жиҳатлардан.

Олимнинг илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам салмоқлидир. У кишининг раҳбарлигида 10 дан ортиқ фан номзодлари, 4 нафар фан докторлари тайёрланган. 2 нафар фан доктори даражасига эришган шогирди ҳозирда МДҲ олий ўқув юртларида фаолият кўрсатмоқда.

Профессор Патхулла Исматуллаев етук олим, педагог сифатида Польша, Чехословакия, Туркия, Голландия, Бельгия, Греция, Италия, Германия каби тараққий этган мамлакатларда бўлиб, улар орттирган ижобий тажрибаларни кимё ва озиқ-овқат соҳалари бўйича юқори малакали бакалавр ва магистрлар тайёрлаш жараёнига тадбиқ этаётганлигига гувоҳмиз.

Олим имзосида чоп этилган мақолалар, ўқув қўлланмалар кимё ва озиқ-овқат технологияси билан шуғулланувчи талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Умуман П. Исматуллаев 100 дан ортиқ илмий мақолалар, 50 дан зиёд муаллифлик гувоҳномалари, 3 та ўқув қўлланма, 5 та монография яратишга муваффақ бўлди.

П. Исматуллаев ўз қобилияти, ақлий заковати билан институт ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда ҳам фаолдир. У киши институтни бошқариш, хусусан, талабалар билимини назорат қилиш, яхши, соғлом ва ишчанлик вазиятини вужудга келтиришга алоҳида аҳамият беради. Аудиториядан ташқаридаги ишларни назорат қилиш, жамоатчилик ва ҳомий ташкилотлари билан узвий алоқалар ўрнатиш, кадрлар билан ишлаш каби масалалар ҳам у кишини қизиқтиради.

1984 йилда "Республикада хизмат кўрсатган ихтирочи" унвонига лойиқ деб топилиб, 1994 йилда эса Халқаро олий мактаб академиясининг академиги этиб сайланди.

Патхулла аканинг яна бир бахти оиласидадир. Севимли рафиқаси Муқаддам опа билан уч нафар фарзандларига ота-она бўлса, невараларига буви-бувадирлар.

Инсон ёши бир жойга бориб, ўтган умрига разм солади ва кўнглидан шу ўй ўтади:

"Мен қандай яшадим, авлодларимга нима қолдиряпман?" Табиийки, қаҳрамонимиз ҳам ўзининг муборак ёши арафасида худди шундай ҳолатни бошдан кечирмоқда. Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, ҳамкасбимизнинг ўтган умри эзгу ишларга йўғрилган. Ва қанча йил яшамасин, насиб қилса, устоз ўз умрини эзгу ишлар билан безайверади.

Fanimiz fidoyilari

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Улфат МАҲКАМОВ,
педагогика фанлари доктори

Голливуд машҳур сичқонча Микки Мауснн яна экранга қайтаришга қарор қилди.

1997 йилнинг 1 сентябрида очилган янги ҳайвонот боғи ўзининг иккинчи умрини бошлади дейиш мумкин.

МУАЛЛИМАНИНГ "МУШОҲАДА"СИ

Yangi kitob

Роҳила Аҳтамовани нафақат Челак тумани маорифчилари, балки адабиёт ихлосмандлари ҳам яхши танишади. Боиси, ижодкор муаллима Челак шаҳридаги 26-ўрта мактабда ёшларга сабоқ бериш билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб келади. Ёзган шеър ва мақолалари вақтли матбуотда мунтазам чоп этиб турилади. Яқинда эса, муаллима ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди — Самарқанддаги "Зарафшон" нашриётида илк шеърлар китоби чоп этилди. Ҳаётий фалсафа ва теран мушоҳада-лларга омухта ҳамда бадиий жиҳатдан пишиқ бўлган ушбу тўплам асосли равишда "Мушоҳада" деб ном олган.

"Мушоҳада"дан муаллима ижодига мансуб "Ҳаёт дарахти", "Она халқим", "Тугун", "Одамлар", "Умр йўли", "Оила ўчоғи", "Челак ҳақида баллада"^сингари кўплаб сара шеърлар ўрин олган.

Роҳила Аҳтамова шеърларини кузатар эканси з, ўқитувчилик касбини улуғлаб келаётган бу ижодкорнинг ҳатто ёзганларида ҳам муаллимлик руҳи уфуриб турганлигини ҳис қиласиз. Мана бу, ўқитувчи деган буюк зотнинг улуғ қалби жобажо бўлган, "Хайрлашув" шеъри ҳам бунинг ёрқин мисолидир:

Ёдимда илк бора синфга кирганим,
Мени шўхчан дунё бағрига олди.
Кўзимга тикилган синчков нигоҳлар
Қалбимга ўзининг суратин солди.

Она-болаликнинг сирли риштаси
Бизни бир лаҳзада боғлади, қўйди.
Чанқоқ дил кўзгуси — чақноқ кўзларда,
Ширин бир ҳаяжон ва ҳайрат туйдим.

Сиз-ку очилмаган қўрғим менинг,
Сизни деб бошимга қировлар қўнди.
Кўз очди булоқлар не заҳмат билан
Қўриқларда меҳригиёлар унди.

Бугун эса сизни учирма қилиб,
Ярадор қуш янглиг беҳол турибман,
Хаёлда чарх урар қалтис бир савол,
Кўримсиз кулбами, қаср қурибман?

Қалдирғоч яралган икки хил рангдан,
Ўзингиз кўзимнинг оқу қораси.
Не ранж кўрган бўлсам, розиман, сиз ҳам
Кечиринг, бор бўлса кўнгил яраси!

Болам қаторида боламсиз менинг,
Кетяпсиз, бу бағрим идраб кетади.
Ҳеч қачон қоқилманг, наинки вужуд,
Сочим учигача титраб кетади.

Ҳа, ўқитувчи мана шундай улуғ зот. Унинг ижодкорлиги, дарсидан ортиб қалам тебратиши, китобини чоп этиши эса яна бир бор таҳсинга лойиқ ишдир. Ижодкор муаллима Роҳила Аҳтамованинг келгуси меҳнат ва ижод йўлида парвозлар ёр бўлишини тилаймиз.

Икром БЎРИБОЕВ

Ko'ngil bitiklari

ЎҚУВЧИЛАРИМГА

(Озода, Азиза Жўраеваларга)

Кўнглингиз ёзилмаган
Варақ каби оппоқдир.
Кўзингиз юлдуз каби,
Нур-зиёли, чақмоқдир.

Ўзингиз илму фанга,
Талабгору чанқоқдир.
Сўзингиз маънога бой,
Мағзи тўла ёнғоқдир.

Орзуингиз бир дунё,
Фақат олга бормоқдир.
Сиз борки, юртимизнинг
Келажаги порлоқдир.

ШЕЪРИЯТ

Шеърият — катта карвон,
Қаторингда бор бўлай.
Шеърият — буюк армон,
Доим сенга ёр бўлай.

Шеърият — улкан уммон,
Бағрингда сузай яйраб.
Шеърият — боғи жаҳон,
Қалбингда турай сайраб.

Рамазон БАҚОЕВ,
Ғиждувон туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси

* * *

Кўзларингга боққан маҳали,
Қилгим келар дилимни изҳор.
Тушунмаслар бу дунё ҳайли,
Сенинг эса кўзинг бегубор.

Нигоҳлар-ла этаман таъқиб,
Руҳиятда таниш бир нима.
Менинг ғаним сенга ҳам рақиб,
Тақдиримиз биз тушган кема.

Сени сен деб қарагим келмас,
Қалбим аро жой олганинг рост.
Ҳамма менга бўлганда абас,
Фақат сенга ишонганим рост.

Сен сўзлама, майли қара жим,
Таскинларга айланар кўз ёш.
Сўзсиз сўзлаб турарман сокин,
Юрагимда туғилар дилдош.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 187-мактаб ўқитувчиси

МАҒЛУБИЯТ НЕЛИГИН БИЛМАЙ...

Алоқачиларнинг "Самарқанд Телеком" волейбол жамоаси республикамиз миқёсида ғолибликни қўлдан бермай келаётир.

—Ўтган йил ҳам жамоа аввалги уч йилдаги каби ютуқлар ва муваффақиятларга бой бўлди. ва кетма-кет тўртинчи маротаба Ўзбекистон мутлақ чемпиони деган номни қўлга киритди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, жамоа ҳомийси бўлган "Самарқанд Телеком" шўъба корхонаси волейболчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди.

Турнирнинг энг шиддатли ва ҳаяжонли учрашуви "Автомобилчи" жамоаси билан бўлди. Спортчилар ҳар жиҳатдан устунликларини намойиш этиб, рақиблари устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар. Натижада "Автомобилчи" жамоасини 4 очко ортда қолдирди.

Ҳозирги кунда жамоа волейболчилари шу йилнинг 9 апрелида Қўқон шаҳрида бошланадиган Ўзбекистон чемпионатининг IV тур ўйинларига тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг нияти жорий йилда ҳам волейбол бўйича Ўзбекистон биринчилигини қўлда сақлаб қолишдан иборатдир.

"Туркистон-пресс"

Баҳорнинг болаларга берган қувончи улар учираётган варракларда мужассамдек, гўё. Зеро, мусаффо осмонгина оппоқ орзулар парвозига макон бўлади.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Xullas...

АМАЛДОРНИНГ МУШУГИНИ "ПИШИНГ" ДЕГАНДАЙ....

Ёш йигитнинг кайфи зўр! Гандираклаб Кишинев кўчаларининг бирида уйига қайтар экан, кимнингдир елкасига ташланганини сезди. Қарасаки, баҳайбат ит аллақачон тишларини ботириб, курткасини йиртиб улгурган эди. У ўзини итдан ҳимоя қиламан деб олишувга киришган бир пайтда тўрт оёқлининг эгаси уйқу олдидан овунчоғини излаб чиқиб, воқеа устидан чиқди. Итни судраб олиб кетишга муваффақ бўлмади. Шовқин-сурон кучайиб, полиция ҳозир бўлди!

Ким айбдор, итми ёки ширакайф йигит? Полиция саволга жавоб ҳам излаб ўтирмади: тунда жамоат тартибини бузган шахсга жарима солинди. Лекин худди шундай айбни итбоқарга ҳам қўйиш мумкин эди, аммо...

Чунки у казо-казолардан бири бўлиб, полиция маҳкамасидагилар гарчанд жамоат тартибини бузса-да, ғиқ этишолмасди.

Ана, амалнинг кучи...

ЙИРТҚИЧГА ЭЧКИ СУТИ

Санкт-Петербург ҳайвонот боғида дунёга келган сиртлон болаларини қай тариқа боқиш муаммоси туғилди. Чунки йиртқичлар ўз болаларига ҳам шафқат қилмаслик ҳоллари учрайди.

Ҳайвон боқувчилар янги меҳмонларни эчки сути билан боқишга киришдилар. Кичкина сиртлонлар эчкининг елинига ўрганолмагач, шишага соғилган сутни беришди. Улар сутни-ку қултиллатиб ичишмоқда, аммо кейинги тақдирлари нима бўларкин? Йиртқичлигича қолишармикан ёки...

КИМ БОСИҚ, КИМ ЖИЗЗАКИ?

Новосибирскдаги биологик кибернетика институти олимларининг тадқиқоти мансабпараст кишиларнинг руҳий ҳолатларини ўрганишга бағишланди. Уларнинг фикрича, бундай кишилар салга ҳаяжонланиб, жиззаки бўлиб қолар эканлар.

Танадаги хилма-хил босқичларни ўрганган олимларнинг хулосаси шундай: лидерликка мутлақо интилмайдиганларнинг руҳий ҳолатлари анча босиқ ва вазмин. Аксинча ҳокимият учун курашувчиларнинг деярли барчаси жиззаки, қўпол ва шошма-шошар. Улар билмайдиларки, ҳокимиятни қўлга киритиш учун бошлаган ҳаракатлари ва қадамлари билан ўз умрларини қисқартиришмоқда...

ana shunaqa gaplar...

МИККИ МАУС ЭКРАНЛАРДА

Қадрли мухлислар, бундан 70 йил муқаддам америкалик машҳур кино устаси Уолт Дисней болаларга сичқонча Микки Мауснинг ажойиб саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилувчи дастлабки фильмини тортиқ қилган эди. Болаларнинг севимли қаҳрамонига айланган Микки Маус Уолт Дисней студиясининг, урушдан олдинги бутун Американинг чинакам рамзи бўлиб қолганди. "Сидней Таймс" газетасининг ёзишича, Голливуд машҳур сичқонча Микки Мауснн яна экранга қайтаришга қарор қилди. 1999 йилдан бошлаб теле ва киноэкранларда Миккининг сапгузаштларга бой ҳаёти гавдалантирилган 60 та янги фильм намойиш қилина бошланди.

Ҳозирги Микки Маус ва унинг қадрдон дўстлари Гуфи, Плуто, Дейзилар экранларда янги, замонавий қиёфаларда намоён бўлдилар.

Компьютер ўйинлари ва космосда яшовчи қонхўр монстрлар ҳақидаги мульфильмларга кўникиб қолган ҳозирги давр болалари қалбини забт этиш осон эмас.

Шу боис, қаҳрамонларни замонавийлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Сичқонча Микки Мауснинг янги саргузаштлари ҳақидаги фильмлар Рой Дисней томонидан яратилмоқда...

ШАРИФА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети қошида 2000-2001 ўқув йили учун тест синовларига тайёрлов курслари очилади (ўзбек тили ва адабиёти, тарих, инглиз, немис, француз, испан, япон, хитой, араб, корейс, рус тили ва адабиёти фанлари бўйича).

Ўқиш муддати 3 ой (2000 йил 10 апрелдан 10 июлгача).

Ўқиш шартнома асосида олиб борилади.

Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси - 104.

Телефонлар:
53-26-42
53-02-66
53-39-21

ТИШ ШИФОКОРЛАРИ МАКТАБДА

Соғлом авлодни тарбиялашда, айниқса, таълим ҳамда тиббиёт ходимларининг баҳамжиҳат бўлиб ишлаши қувончли натижаларга олиб келади. Бу соҳада Наманган шаҳри Давлатобод тумани 48-ўрта мактаб ходимлари билан туман стоматология шифохонаси ходимларининг биргаликда олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Бу ҳамкорлик мактабимизга тажрибали шифокор-стоматолог Моҳиржон Алимовнинг келиб ишлаши билан янада авж олди.

Яқинда мактабимизда "Жозибадор табассум" шиори остида синфлараро кўрик-танлов бўлиб ўтди. Кўрик 5 та шартдан иборат бўлди. Асосан оғиз бўшлиғи гигиенаси, соғлом турмуш тарзи муаммоларига бағишланган бу тадбир мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари ва ота-оналарда, айниқса, катта таассурот қолдирди.

О.АБДУЗУННУНОВА,
48-ўрта мактаб маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

QUTLOV

Ҳурматли ҳамкасбимиз Раҳматилла ХУДОЙБЕРДИЕВ!

Сиз фаннинг энг муҳим жабҳаси — механика соҳасида, мана 45 йилдирки, фаолият кўрсатиб келаяпсиз. Шу йиллар мобайнида тебранишлар, гироскоплар, парашютлар назарияси ва космонавтика йўналишидаги изланишларингиз самараси ўлароқ, бир қатор илмий ишларингиз шу соҳа ихлосмандларининг интеллектуал мулкига айланди. Шу баробарида сизни кўплаб мухлислар илмий-оммабоп, фантастик асарлар муаллифи сифатида ҳам яхши билишади.

Бугун 60 ёшга тўлиб, ўтган умрингизни бир сарҳисоб қилиб турган онларингизда Сизга янада шижоат, куч-қувват ва тан-сиҳатлик тилаймиз.

"Коинот" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Тошкент Давлат авиация институти жамоаси

Х. Мунро, америка ёзувчиси

ЙЎЛОВЧИЛАР

Май оқшомларидан бирида Норман Гортсби Хайб истироҳат боғида атрофи гулларга бурканган скамейкада ўтган-кетганларни кузатиб ўтирарди. Қуёш уфқ ортига бекиниб, қоронғу туша бошлаган бўлса-да, Норман йўловчиларнинг юзларини аниқ кўрар, ҳатто овозларини ҳам бемалол эшитарди. Норман Гортсби – философ, мияси лиқ тўла билим бўлиб, кўпларга берган баҳоси тўғри чиқарди. Боғда ўтириб одамларни кузатиш эса унинг севимли машғулоти. Жанобнинг ёнига келган нотаниш йигит унга бир қур назар солиб сурбетларча ўзини скамейкага ташлади. Дид билан кийинган бу олифта нимадандир безовталиги учун тез-тез хўрсиниб қўяр эди.

—Хомуш кўринасиз, биродар, —дея гап бошлади Норман. Шериги ўзини эшитмаганга олгандек нигоҳи бошқа нуқтада эди. Шунда Норман унинг кўзларида ўзи ёқтирмайдиган ифодага дуч келди.

—Нима бўлганига ўзим ҳам ҳайронман, — тилга кирди кутилмаганда у, — ақлинг бовар қилмайди...

У шунчалик паст овозда гапирар эдики, гўё ўзидан бошқа ҳеч ким эшита олмайдигандек эди.

—Нима бўлди, — қизиқди Норман.

—Бугун куннинг иккинчи ярмида Лондонга келдим. Меҳмонхонада овқатландим. Уйдагилар билан телефонда гаплашдим, сўнгра магазинга совунга чиқдим. Совунсиз ювинолмайман, одатим шундай. Совун олгач барга кирдим, дўконларни айландим. Меҳмонхонага қайтай десам, жин урсин, унинг номини, ҳатто қайси кўчада жойлашганини ҳам эслаёлмадим. Ёрдўстларим олисда қолган. Маълумотлар бюросидан шу қадар қисқа ва тез жавоб олдимки, илғаб олишга улгурмадим. Билмадим, эртага ҳолим нима кечаркин? Ёнимдаги пулни эса совун билан чойга сарфладим. Чўнтагимда бор-йўғи икки пенс қолган. Нима қилишга ҳайронман? — меҳмоннинг овози хиёл қалтираб чиққанини Норман дарҳол сезди.

Орага тушунарсиз сукунат чўкди.

—Менинг аҳволимни ким ҳам тушунарди.

—Худди шундай воқеа менинг ҳам бошимдан ўтган. Мен сизнинг аҳволингизни ҳис қилаяпман, — таскин берди Норман.

—Хайрият... — чиройи очилди суҳбатдошининг, — бўпти, мен энди борай.

— Совунингиз қани? – сўради Норман хайрихоҳларча. У апил-тапил чўнтагини пайпаслаб ўрнидан сакраб турди.

—Совунни ҳам йўқотибман, — деди яна асабийлашиб..

—Бариси аксига олибди-да ... – деди Норман унга тасалли бергандай. Бироқ йўловчи бу гапларга эътибор ҳам бермади ва югурганича кўздан узоқлашди.

—Яхшиям совунини эслатибман! — ўзига-ўзи далда берди Норман жойидан қўзғаларкан. Шунда унинг кўзи скамейка четидаги қоғозга ўралган нарсага тушди. Бу, шубҳасиз, ҳалиги кишининг совуни бўлса керак. "Ҳойнаҳой, чўнтагидан тушиб қолган" ўйлади Норман уни қўлига олиб. Ҳали кўздан узоқлашиб улгурмаган янги танишининг орқасидан "тўхтанг" деганича ҳаллослаб кетди. Овозни эшитиб сергакланган йўловчи тўхтаб орқасига қаради.

— Мана совунингиз, скамейкада турган экан. Арзимас бўлса ҳам манави пулни олиб қўйинг, —дея Норман чўнтагидан бир паунд чиқариб унга узатди.

—Раҳмат!

—Мана бу менинг манзилим. Қарзни хоҳлаган вақтингизда ёки ҳафтада узишингиз мумкин, —Норман манзили кўрсатилган қоғозчани ҳалиги жанобга шошилинч берди. Йўловчи унга яна бир бор ташаккур билдириб, тезда кўздан ғойиб бўлди. "Савоб қилдим" кўнгли таскин топди Норманнинг. У скамейкага яқинлашганда бир қариянинг безовталаниб ниманидир излаётганига дуч келди.

—Бирор нарса йўқотдингизми, жаноб?

—Ҳа, совун харид қилгандим, ҳали замон шу ерда ўтирганим эсимда. Хаёлимдан кўтарилиб...

Норман турган жойида қотиб қолди. Бу қанақаси бўлди? Совун кимники ўзи? Чолникими ёки анови жанобникими? Англашилмовчиликка ечим топа олмаётган Норман беихтиёр чолга қўшилиб, совунни излашга тушди.

Инглиз тилидан Нилуфар МУҲАММЕДОВА таржимаси.

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ — ЯНГИ АСРДА

1996 йил "Ҳайвонот боғлари ва акваримларн Евроосиё минтақавий Уюшмаси"га аъзо бўлган Тошкент ҳайвонот боғи кейинги икки йилда дунёнинг йигирмадан зиёд ҳайвонот боғлари билан алоқа ўрнатди.

— Тошкент ҳайвонот боғи коллекцияларини тўлдириш ва бойитиш учун ўзимизда кўпайтирилган иккита маймун ва тўртта қуш Чимкент ҳайвонот боғидаги тўртта қирғовул, тўртта ўрдак, битта зебра, битта понига айрибош қилинди,— дейди Тошкент ҳайвонот боғи директори Олим Расулов. – Шунингдек, Москва ва Ашгабат ҳайвонот боғларидан 50 та илон, 154 та чучук сувда яшовчи балиқ, кенгуру ва сиртлон олдик. Кишинёв ва Николаев шаҳри ҳайвонот боғлари билан ўнга яқин турдаги ҳайвонларни айирбош қилиш учун меъёрий ҳужжатлар тайёрлаб қўйилди.

— Томошабинларнинг айримлари бегемотнинг лойқа ва ифлос сувда яшаётганлигини кўриб ранжишади: шу ерда ишлаб, нонини егандан кейин вақтида сувини алмаштириб туришса бўлмасмикин?

— Ҳовузчадаги сувни кунига беш-олти марта алмаштириб туриш имконимиз бор. Лекин бегемот шундай жониворки, тоза сувни унчалик ёқтирмайди. Бутун ҳаёти, овқатланиши, керак бўлса, ҳожатини чиқариши ҳам ифлос сувда кечади. Айримлар бўри нима учун озғин, кам овқат берасизларми, деб сўрашади. Бўри ўз номи билан бўри. Тинимсиз ҳаракатда бўлганлиги учун ҳам доимо чайир бўлади. Унинг емиши масаласига келсак, ўзи учун ажратилган овқатни канда қилмай паққос туширяпти.

Ҳайвонот боғлари нафақат томошагоҳ ёки ёшларни табиат олами билан таништирадиган жой, балки, ҳозирги пайтда табиатда жуда кам қолган ҳайвон турларининг асл зотларини сақлаб, келгуси авлодларга етказиб берадиган маскан дейиш ҳам мумкин. Ҳозирги кунда боғимизда ноёб ҳисобланган ўндан зиёд тур парваришланмоқда. Улар Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига қарашли биология назоратининг рухсати ва мутахассислар келишуви орқали бошқа ҳайвонларга айрибош қилинади.

Аквариумда акуламиз ҳам бор. Ўйлашимча, у сув жониворлари ичида энг томошабопи ҳисобланади. Акула шўр сувда яшайди. Ҳозирча бизда денгиз тузи йўқлиги сабабли у кўргазмага қўйилмай турибди. Айни вақтда четдан денгиз тузи олиб келиш масаласини ўрганяпмиз. Кези келганда, шаҳар ҳокимлиги томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор бераётганлигини айтмоқчи эдим. Тошкент ҳайвонот боғи коллекцияси бойлиги жиҳатидан мустақил давлатлар ҳамдўстлигида иккинчи ўринга чиқиб олганлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Бир йил аввал боғимизда 140 турдаги 586 та жонивор бўлган бўлса, бугунги кунда 221 турдаги 1198 та ҳайвон сақланмоқда, — деди О. Расулов. — Одатда янги ҳайвонот боғида тикланиш жараёни олти-саккиз йил давом этади. 1997 йилнинг 1 сентябрида очилган янги ҳайвонот боғи ўзининг иккинчи умрини бошлади дейиш мумкин. Бу маскан ёввойи табиатнинг бир бўлаги бўлмоғи, ёш авлодни жониворларнинг ҳаёти билан таништириш орқали унинг тарбияси ва камолотига хизмат қилмоғи даркор. Биргаликдаги саъй — ҳаракатларимиз ана шу мақсадга йўналтирилгандир.

Хусан СУЛАЙМОНОВ "Туркистон-пресс"

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртининг касаба қўмитаси раиси Наримон Идоятовга турмуш ўртоғи, билим юрти ходимаси **Зинаида ИДОЯТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб) Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-287. Тиражи 37.728. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 21.00.